

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 3

2022 йил "1" *Декабр*

Кармана туман

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Кармана туман хокимлиги номидан «Низом» асосида иш кўрувчи **Ф.С.Умаров** бир томондан, кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган "**Намунали Бино**" МЧЖ номидан «устав» асосида иш кўрувчи **А.Т.Истамов** иккинчи томондан, Навой вилояти Карман тумани Арабхона МФЙ Бободехкон кўчаси ичимлик суви тизимини таъмирлаш бўйича қўйидаги шартномани тuzдилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Бажариладиган қурилиш ишлари лойихага асосан олиб борилади, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар ҳамда қурилиш нормалари ва қоидаларида назарда тутилган бошқа ҳужжатлар ва бажарилган ишни буюртмачи томонидан тасдиқланган далолатномаси (Форма-2) асосида иш олиб борилади.

қурилиш майдони - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;

вақтинчалик иншоотлар - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вақтинчалик бинолар ва иншоотлар;

беркитиладиган ишлар - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;

шартнома нархини бўлиб чиқиш - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиланган ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2.1. Пудратчи мазкур шартнома шартларига Навой вилояти Кармана тумани Арабхона МФЙ Бободехкон кўчаси ичимлик суви тизимини таъмирлаш бўйича лойихада кўзда тутилган ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, танлов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва тендер комиссиясининг қарори (2022 йил "28" ноябрдаги 191647-сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати ҚҚС ва барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда **471 116 000 (тўрт юз етмиш бир миллион бир юз ўн олти минг) сўмни** ташкил этади.

3.2. Ишлар қиймати узил-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас, қўйидаги ҳоллар бундан мустасно:

қурилиш қийматини кўпайтиришга енгиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;

ишлар ҳажми ва тури қатъий равишда ўзгартирилмайди (қонунда кўзда тутилган ҳоллар бундан мустасно); объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартирилганда.

3.3. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

3.4. Тегишли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун:

барча ишларни мазкур шартномада назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;

Шартномага мувофиқ қурилиш майдонида зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, оморга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;

Буюртмачини пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мавзуси, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;

қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитни, ўтқазилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироқлари ўрнатиш;

қурилиш таваккалчиликларини суғурта қилиш;

қурилиш майдони қўриқлигини таъминлаш;

мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

4.2. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз кучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишига тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулк жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИНING МАЖБУРИЯТЛАРИ

5.1. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:

мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда мазкур шартномага __- иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда далолатнома бўйича Пудратчига бериш;

ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;

Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун муддатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;

молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;

мазкур шартнома имзоланган ва тегишли равишда рўйхатга олинган кундан бошлаб Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;

мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУДДАТЛАРИ

6.1 Шартнома:

миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб; кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда шартнома қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин кучга киради.

6.2. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

6.3. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 30 кунни ташкил этади.

6.4. Мазкур шартнома бўйича ишлар Смета ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТЎЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

7.1. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30 (Ўттиз) фоизи миқдорида бўнак (аванс) ўтказиши, бу маблағ **141 334 800 (бир юз қирқ бир миллион уч юз ўттиз тўрт минг саккиз юз) сўмни** ташкил этади.

7.2. Буюртмачи томонидан Пудратчига бўнак (аванс) берилгандан сўнг, кейинги тўлов "Бажарилган ишлар" далолатномасига (форма-2) асосан амалга оширилади.

7.3. Пудратчи объект фойдаланишига топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга нисбатан мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.

7.4. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларни шартнома кучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонун ҳужжатларига белгиланган тартибда Буюртмачини ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунда Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан озод қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

8.1. Пудратчи ишларни бажариш лойихасига асосан ишларни бажаришни муваққат равишда ташкил этади.

8.2. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга риоя этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.

8.3. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.

8.4. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги далолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортикча тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни казиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.

8.5. Пудратчи геодезия нуқталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, ўлчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.

Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритади.

8.6. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашиши схемалари ва жадалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни далолатнома бўйича Буюртмачига беради.

8.7. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нуқталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.

8.8. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиха ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

8.9. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошланишидан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектқурилишназорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.

8.10. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиғисиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисмини ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.

8.11. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини кўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир.

Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.

8.12. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлакларни супуриб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.

8.13. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтарини юритади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олиниши, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилишни тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) акс эттирилади.

Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарыда ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чора-тадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

9.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар маъқул шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажарилмаслик учун жавобгарликдан озод этилади.

Маъқул шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзата келтирган вақтга мутаносиб равишда ўзгартирилади.

9.2. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга чўзилса, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қилади.

9.3. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

X. КАФОЛАТЛАР

10.1. Пудратчи:

барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини, лойиха ҳужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, қоидалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш мажбуриятини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиха ҳужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш қоидаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

Мавжуд нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

10.2. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектқурилишназорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича хўжалик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XI. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШ

11.1. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;

Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қоидаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.2. Пудратчи:

ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;

Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

11.3. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилади, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

11.4. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қонунга мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборди.

11.5. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарни, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

11.6. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКҲИ ЖАВОБГАРЛИГИ

12.1. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон:

иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди;

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексида, "Хўжалик юришувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда, бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

12.2. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорида пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 10 фоизидан ошмаслиги лозим.

Пеня тўлашни Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарни қоплашдан озод қилмайди.

12.3. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажмини тасдиқлашдан асоссиз равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0.5 фоизи миқдорда жарима тўлайди.

12.4. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 10 фонзидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нуқсонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0.5 фоизи миқдорда пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 10 фонзидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечикиши туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

12.5. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қоидаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитектқурилишназорат" инспекциясининг ҳулосаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 5 фоизи миқдорда жарима ундириш ҳуқуқига эга.

12.6. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаражатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдада ифодаланадиган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

12.7. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

XIII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

13.1. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низоли масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иқтисодий судлар томонидан кўриб чиқилади.

XIV. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ШАРТ

14.1. Томонлар. Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари, мазкур битим бўйича ўз мажбуриятларини бажаришлари давомида коррупцияга қарши курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатлари талабларининг бузилишига олиб келадиган ва ёки коррупция характерида эга бўлган, шу жумладан (аммо бу билан чекланмай) пора бериш ёки беришни ваъда қилиш, таъмағирлик, пора олишга бевосита ёки билвосита рози бўлиш ҳатти-ҳаракатларни, ҳаракатсизликларини содир этмайдилар.

Томонлар, уларнинг аффилиланган (ўзаро боғланган) шахслари ва ходимлари бошқа томоннинг ходимлари ёки ваколатланган вакилларининг қандайдир тарзда рағбатлантиришдан, шу жумладан пул суммалари, совғаларни тақдим этиш уларнинг манзилига хизматларни беғараз кўрсатиш ёки бу ходим ёки вакоталанган вакил томонидан уни рағбатлантирувчи томон фойдасига қандайдир ҳатти-ҳаракатларни, ҳаракатсизликларни бажарилишини таъминлашга қаратилган ишларни бажаришдан воз кечадилар деб маълум қиладилар.

14.2. Томонлар мазкур битимнинг 14.1 бандидаги талабларни бузиш содир этилганлиги ёки содир этилиши мумкинлиги тўғрисидаги шубҳалар юзага келган ҳолда, тегишли томон бу ҳақда бошқа томонларни хабардор қилиш коррупция билан курашиш соҳасидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларининг нормални бузилганлиги фактининг рад этиб бўлмайдиган далиллар мавжуд бўлган ҳолда эса - амалдаги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ваколатланган органларни ҳам хабардор қилиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

XV. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

15.1. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар ўртасидаги барча олдинги ёзма ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

15.2. Пудратчи қурилиш объектига ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рұхсатисиз, субпудратчилардан ташқари, бирон-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

15.3. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар амалдаги қонунларга асосланган равишда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзоланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

15.4. Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай аҳдлашувни асосланган ҳолда расмийлаштирилиши ва амалдаги қонунларга асосланиб тасдиқлаши керак.

15.5. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонида ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

15.6. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

15.7. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 2 (икки) нусхада тузилди.

15.8. Шартнома имзоланиб, Ҳазначилиқдан руйхатдан утгандан сўнг қонуний кучга кириди ва амал қилиш муддати 31.12.2022 йилгача ҳисобланади.


XVI. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

«Пудратчи»

«NAMUNALI-BINO» масъулияти чекланган жамияти

Адрес: Навоий шаҳар И.Каримов 130а-уй, 2-хона.
Телефон: 91-248-10-40.
р/с: 2020 8000 6008 3111 1001
в банке: «Ипотека-банк» АТИБ Навоийский филиал
МФО: 00205
ИНН: 305 230 802
Код плательщика НДС:

Раҳбари:



Истамов А.Т.

«Буюртмачи»

Кармана туман Ҳокимияти

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил:
Кармана туман Талқоқ МФЙ
Тел./факс 79-222-0004
ШХ/Р: 401722860122347013990018001
бюджетдан маблағ олувчи СТИРи 200035243
ОКОНХ 97600
Ҳазначилик бўлинмаси номи: Кармана
туман ғазначилик бўлинмаси
Ҳазна х/в 23402000300100001010
МФО
ғазначилик бўлинмаси СТИРи 201122919

Раҳбар **Ф.С.Умаров**
(лавозим) (Ф.И.Ш)



(имзо)

М.Ў.

илриқ;

Истамов

Протокол закупочной комиссии по отбору наилучшего предложения лот № 191647 на приобретение Кармана тумани Арабхона МФЙ Бободехқон қўчаси ичимлик суви тизиминин таъмирлаш

Способ проведения электронный

Дата 28.11.2022

Время рассмотрения 28.11.2022 20:07

Закупочная комиссия Кармана туман Хокимияти, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	Умаров Фахритдин Саматович	Tuman hokimi, komissiya raisi	Karmana tuman hokimligi
Секретарь комиссии	UMAROV JASURBEK BAXRITDIN O'GLI	ҳисобчи	Кармана туман Хокимлиги
Член комиссии	XAMRAYEV LAZIZ ISTAMOVICH	Tuman hokimligi xo'jalik ishlari mudiri, komissiya a'zosi	KArmana tuman hokimligi
Член комиссии	Umarov Ma'rufjon Saloyidin o'g'li	Tuman hokimligi bosh hisobchisi, komissiya a'zosi	Karmana tuman hokimligi
Член комиссии	Boltayev Shoxrux Shavkatovich	Tuman hokimi o'rinbosari, komissiya a'zosi	Karmana tuman hokimligi
Член комиссии	Urinov Toxir Botirovich	Tuman hokimining birinchi o'rinbosari, rais o'rinbosari	Karmana tuman hokimligi

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 28.11.2022 года № лота 191647.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 90.00 / Весовой коэф. ценовой части: 10.00)

Мин. балл: 80

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту наружной сети водоснабжения
Подробное описание	Услуги по капитальному ремонту наружной сети водоснабжения
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	472 116 000.00
Стартовая сумма	472 116 000.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот

Тип: Текстовое значение

Описание: Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан қарздорлиги мавжуд эмаслиги тўғрисида маълумот

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO MCHJ	10	471116000	8	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
"NUROTA-BURG'ULASH" ХК	10	солиқ маълумоти	8	Экспертная		
NABOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	10	К-2	8	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	10	Илова қилинди	8	Экспертная		

Критерий №2 Техника ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда техника ҳафсизлиги бўйича малакали мутахассис бўлиши шартлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Техника ҳафсизлиги қоидаларига риоя қилиш талаблари ҳамда техника ҳафсизлиги бўйича малакали мутахассис бўлиши шартлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO МЧЖ	15	471116000	15	Экспертная		
"NUROTA-BURG'ULASH" ХК	15	техника ҳафсизлиги	8	Экспертная		
NABOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	15	ишчи-ходимлар малакаси тугрисидаги маълумотлар	10	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	15	Илова қилинди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №3 Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO МЧЖ	15	471116000	15	Экспертная		
"NUROTA-BURG'ULASH" ХК	15	Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрида қайд этилмаганлиги	15	Экспертная		
NABOIY-MELIORASIYA М Ч Ж	15	инсофсиз ижрочилар	15	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI МЧЖ	15	Илова қилинди	15	Экспертная		

Критерий №4 Корхонани балансида мавжуд махсус техникалар мавжудлиги

Тип: Текстовое значение

Описание: Корхонани балансида мавжуд махсус техникалар мавжудлиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO MCHJ	20	471116000	20	Экспертная		
"NUROTA-BURG'ULASH" XK	20	техникалар мавжудлиги	15	Экспертная		
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	20	Техникалар	20	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	20	Илова қилинди	15	Экспертная		

Критерий №5 Ичимлик суви тизимини қурилиши ҳамда таъмирланишида кўп йиллик иш тажрибага эга бўлиши (иш тажрибаси бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши) кераклиги

Тип: Текстовое значение

Описание: ичимлик суви тизимини қурилиши ҳамда таъмирланишида кўп йиллик иш тажрибага эга бўлиши (иш тажрибаси бўйича тасдиқловчи ҳужжатларни илова қилиши) кераклиги

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO MCHJ	20	471116000	20	Экспертная		
"NUROTA-BURG'ULASH" XK	20	иш тажрибаси	10	Экспертная		
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	20	иш тажрибаси бўйича гос актлар	15	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	20	Илова қилинди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Критерий №6 Reytng.mc.uz иловасида сохавий қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги ўлчовларидаги ўрни

Тип: Текстовое значение

Описание: Reytng.mc.uz иловасида сохавий қурилиш-пудрат ташкилотлари электрон рейтинги ўлчовларидаги ўрни

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO MCHJ	10	471116000	8	Экспертная		
"NUROTA-BURG'ULASH" XK	10	рейтинг	5	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	10	рейтинг	10	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	10	Илова қилинди	5	Экспертная		

Критерий №7 Курилиш-монтаж ишларини смета-лойиха хужжатларига асосланиб ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича кафолат хати

Тип: Текстовое значение

Описание: Курилиш-монтаж ишларини смета-лойиха хужжатларига асосланиб ўз вақтида ва сифатли бажарилиши бўйича кафолат хати

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
NAMUNALI BINO MCHJ	10	471116000	10	Экспертная		
"NUROTA-BURG'ULASH" ХК	10	кафолат хати	10	Экспертная		
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	10	кафолат хати ва смета хужжатлари	10	Экспертная		
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	10	Илова қилинди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	472 116 000.00	448 510 341.00 UZS	448 510 341.00	00.00	448 510 341.00	22.11.2022 19:11:02	10
NAMUNALI BINO MCHJ	472 116 000.00	471 116 000.00 UZS	471 116 000.00	00.00	471 116 000.00	22.11.2022 04:09:47	9.52017

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
LEADER SERVICE NAVOI MЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
"NUROTA-BURG'ULASH" ХК	Не прошел	Не прошел	Не прошел
NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж	79.2	10	89.2

NAMUNALI BINO MCHJ	86.4	9.52017	95.92017
--------------------	------	---------	----------

Закупочная комиссия по отбору наилучшего предложения лот № 191647 от 28.11.2022 года на приобретение Кармана тумани Арабхона МФЙ Бободехқон қўчаси ичимлик суви тизиминин таъмирлаш определила победителем:

NAMUNALI BINO MCHJ
305230802

и резервный исполнитель: NABOIY-MELIORASIYA M Ч Ж (205779595)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	Умаров Фахритдин Саматович	Согласен	
Член комиссии	XAMRAYEV LAZIZ ISTAMOVICH	Согласен	
Член комиссии	Boltayev Shoxrux Shavkatovich	Согласен	
Член комиссии	Urinov Toxir Botirovich	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП



XALQ DEPUTATLARI KARMANA TUMAN KENGASHINING QARORI

2022 - yil 14 - oktabr

VI-56-161-5-71-K/22

Karmana tuman hokimligi

Xalq deputatlari Karmana tuman kengashining 2022 yil 23 sentyabrdagi “Karmana tumanidagi jamoatchilik fikri asosida “Ochiq byudjet” axborot portalida eng ko’p ovoz to’plagan takliflarni saralab olish hamda jamg’arma mablag’laridan moliyalashtiriladigan tadbirlar to’g’risida”gi VI-56-155-5-71-K/22-sonli qaroriga o’zgartish va qo’shimchalar kiritish to’g’risida

O’zbekiston Respublikasi Prezidentining 2021 yil 13 apreldagi PQ-5072-son “Byudjet jarayonida fuqarolarning faol ishtirokini ta’minlash bo’yicha qo’shimcha chora-tadbirlar to’g’risida”gi qarori hamda Oliy Majlisi Senatining 2022 yil 20 sentyabrdagi KQ-406-IV-son qaroriga asosan “Tuman (shahar) byudjetlari mablag’larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo’naltirish tartibi to’g’risida”gi namunaviy nizomga o’zgartish va qo’shimchalar kiritish haqida”gi qarori qabul qilindi.

Shunga ko’ra, Karmana tuman byudjeti mablag’larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo’naltirish tartibi to’g’risida nizomga o’zgartishva qo’shimchalar kiritish taklifini ma’qullash bo’yicha fikr mulohazalar inobatga olinib, Xalq deputatlari tumani Kengashi

QAROR QILADI:

1. O’zbekiston Respublikasi Oliy Majlisi Senatining 2022 yil 20 sentyabrdagi “Tuman (shahar) byudjetlari mablag’larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo’naltirish tartibi to’g’risida”gi namunaviy nizomga o’zgartish va qo’shimchalar kiritish haqida”gi KQ-406-IV-son qarori ma’lumot va

ijro uchun qabul qilinsin.

2. Tuman ishchi komissiyasi;

tuman byudjetlari mablag'larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo'naltirish tartibi to'g'risidagi namunaviy nizomga 5-ilovada keltirilgan tashabbusli byudjet jarayoni yakunlariga ko'ra g'olib bo'lgan loyihalarni amalga oshirish bo'yicha manzilli ro'yxatga 1 ilovaga muvofiq o'zgartish va qo'shimchalar kiritilsin.

3 Tuman byudjetlari mablag'larini jamoatchilik fikri asosida shakllantirilgan tadbirlarga yo'naltirish tartibi to'g'risidagi namunaviy nizomga 6-ilovada tuman bo'yicha o'tkazilgan tashabbusli byudjet jarayoni yakunlariga ko'ra g'olib bo'lgan loyihani amalga oshirish bo'yicha xarid qilinadigan tovar (xizmatlar) Reestri asosida tovar va moddiy qiymatliklar (xizmatlar)ni xarid qilish bo'yicha loyihalar tasdiqlansin.

4. Tuman hokimligi moliya bo'limi moderatoriga;

- "Ochiq byudjet" axborot portaliga kelib tushgan, eng ko'p ovoz to'plagan hamda uchinchi bosqichda g'olib deb topilgan takliflar tegishincha "Fuqarolar tashabbusi jamg'armasi" (keyingi o'rinlarda "jamg'arma" deb yuritiladi)da mavjud mablag'lardan kelib chiqib moliyalashtirishni amalga oshirsin;

- g'olib takliflarni moliyalashtirish tegishincha xalq deputatlari Karmana tuman Kengashi tomonidan tasdiqlanadigan manzilli ro'yxat asosida amalga oshirilsin;

- "Tashabbusli byudjet" jarayonining keyingi bosqichlarida fuqarolarni keng jalb qilish maqsadida joylarda "Ovoz berish yarmarkalarini" tashkil etish, ommaviy axborot vositalari hamda ijtimoiy tarmoqlarda yoritib borish vazifasi yuklatilsin;

5. Mazkur qarorning ijrosini nazorat qilish Mahalliy byudjet, iqtisodiy islohotlarni amalga oshirish, investitsiyalar va tadbirkorlikni rivojlantirish masalalari bo'yicha doimiy komissiya (S.Vafoev) va tuman hokimining birinchi o'rinbosari T.O'rinov zimmasiga yuklatilsin.

Tuman Kengashi raisi



F.Umarov

Xalq deputatlari Karmana tuman Kengashining
2022 yil 14 oktabrdagi
VI-56-161-5-71-K/22-son qaroriga
1-ilova

Karmana tumani bo'yicha 2022 yil (2-bosqichda)da jamoatchilik fikri asosida shakllangan tadbirlarni moliyalashtirish bo'yicha

MANZILLI RO'YXAT

T/R	ID-raqami	Manzili	Tashabbus mazmuni	Amalga oshirishning dastlabki qiymati	Buyurtmachi tashkilot	Loyihani amalga oshirish uchun qo'shimcha xujjatlar	Xarid kilinadigan tovar (xizmatlar) reyestri	Xarid kilish tartib-taomili, turi
1	0740600324	Yangi ariq MFY	Tumandagi 7-umumiy o'rta ta'lim maktabi hududidagi maydondan qo'shimcha sinf xonalari va faollar zali qurilishi uchun mablag' ajratish	1 190 000,0	"Yagona buyurtmachi xizmati" IK DUK	Loyiha-smeta xujjatlari		Eng yaxshi takliflarni tanlash, tender.
2	0740600007	Mir Said Baxrom MFY	Tuman tibbiyot birlashmasiga zamonaviy chiqindi tashish (ISUZU Gavnovoz) sotib olish	540 000,0	Karmana tuman Tibbiyot birlashmasi			27.09.2018 yil PQ-3953 21-bandiga asosan to'g'ridan-to'g'ri xarid
3	0740600438	Qahramon MFY	Karmana tumani 3-umumiy o'rta maktabiga 10 ta sinf xonasiga doska, o'quv stol-stul, 6 ta elektron doska, kompyuter xonasiga 15 ta kompyuter jixozlari va 15 ta stol-stul, sport zalga 12x12 kurash gilami xarajatlari uchun mablag' ajratish	350 000,0	Karmana tuman Xalq ta'limi bo'limi		Reyestr	Elektron do'kon

4	0740600410	Beshkent MFY	Karmana tumani sport maktabini joriy ta'mirlash ishlari uchun mablag ajratish	500 000,0	Karmana tuman sport maktabi	Loyiha-smeta xujjatlari		Eng yaxshi takliflarni tanlash
5	0740600112	Varq MFY	Karmana tumani Varq mahallasi Sangbur ko'chasi 450 metr asfaltlashtirilmagan qismini asfaltlashtirish	300 000,0	Karmana tuman Obodonlashtirish boshqarmasi	Loyiha-smeta xujjatlari		Eng yaxshi takliflarni tanlash
6	0740600056	Arabxona MFY	Karmana tumani Arabxona MFY Bobodehqon ko'chasiga 3.0 km masofadan ichimlik suvi quvuri tortib kelish orqali 2000 dan ortiq aholini toza ichimlik suviga bo'lgan ehtiyojini qondirish.	500 000,0	Karmana tuman hokimligi	Loyiha-smeta xujjatlari		Eng yaxshi takliflarni tanlash
Jami:				3 380 000,0	X	X	X	X

Xalq deputatlari Karmana tuman
Kengashining
2022 yil 14 oktabrdagi
VI-56-161-5-71-K/22-son qaroriga
2-ilova

**Karman tuman bo'yicha o'tkazilgan tashabbusli byudjet jarayoni
yakunlariga ko'ra g'olib bo'lgan
loyihani amalga oshirish bo'yicha xarid qilinadigan tovar (xizmatlar)**

Reyestri

Ming.so'm

T/R	Tovar (xizmat) nomi	soni	bozor narxi	Summasi
1	Sinf xonasi uchun doska	10	1 200 000,0	12 000 000,0
2	Sinf xonasi uchun parta (katta)	76	670 000,0	50 920 000,0
3	Sinf xonasi uchun elektron doska	6	25 000 000,0	150 000 000,0
4	Sinf xonasi uchun kompyuter (jamlanma)	15	5 000 000,0	75 000 000,0
5	Sinf xonasi uchun kompyuter stoli	15	800 000,0	12 000 000,0
6	Sport zal uchun kurash mati (12*12 o'lcham)	1	50 080 000,0	50 080 000,0
Loyihaning amalga oshirish jami qiymati*				350 000 000